

ЯШИЛ БЮДЖЕТЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11398423>

Исмаилова Насиба Комилджановна

ТДИУ доценти

ismailovank1275@gmail.com

Аннотация. Мазкур тезисда иқтисодий иқтисодиётни барқарорлигини таъминлаш, иқлим ўзгаришини олдини олиш, инклюзив иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида яшил иқтисодиётга ўтиш, экологик мақсадларга эришиш учун бюджет ва фискал сиёсати воситаларидан фойдаланиш ва Ўзбекистонда яшил бюджетлаштириш амалиётига ўтиш масалалари, яшил бюджетлаштиришнинг афзалликлари, ушбу амалиётга ўтиш даврида мавжуд бўлган масалалар ёритиб берилган.

Калит сўзлар: иқтисодий барқарорлик, инклюзив ўсиш, қайта тикланадиган энергия, давлат молияси, бюджет сиёсати, экологик бюджет, давлат сектори субъектлари, давлат бюджети маблағлари, яшил иқтисодиёт, яшил бюджетлаштириш, яшил облигациялар.

Мавзунинг долзарблиги. 2015 йил 12 декабрда Парижда бўлиб ўтган Яшил бюджетлаштириш бўйича ИХТТ Париж ҳамкорлиги, миллий харажатлар ва даромадлар жараёнларини иқлим ва бошқа экологик мақсадларга мослаштиришда такомиллаштиришни баҳолаш ва ривожлантириш учун янги, инновацион воситаларни ишлаб чиқишга қаратилган эди.

Жаҳон банкининг тадқиқотларига кўра, 2050-йилга бориб, иқлим ўзгариши 216 миллион одамни ўзи яшаб турган давлатларни тарк қилишига олиб келиши мумкин. ЖССТ маълумотларига кўра, ҳар йили 2 миллиард одам тоза ичимлик суви етишмаслиги ва 600 миллион киши озиқ-овқат билан

боғлиқ касалликлардан азият чекмоқда, 5 ёшгача бўлган болалар ўлимининг 30 фоизи озиқ-овқат билан боғлиқ.

Яшил бюджетлаштириш - экологик мақсадларга эришиш учун бюджет ва фискал сиёсати воситаларидан фойдаланиш, ушбу сиёсатни атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш ва уларнинг миллий ва халқаро мажбуриятларни бажариш билан мувофиқлигини баҳолашни ўз ичига олади. “Яшил бюджетлаштириш” Давлат молиясини бошқаришга қаратилган инновацион ёндашув бўлиб, фискал масъулиятни атроф-муҳит масалалари билан бирлаштиради. Яшил бюджетлаштириш яшил иқтисодиётга ўтишдаги асосий инструмент эканлиги, инсонларнинг яшаш фаровонлиги атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, иқлим ўзгаришини юмшатиш, иқлим ўзгаришига мослашиш чора-тадбирларига тўғри пропорционал бўлиб, яшил инновацияларга имтиёзлар бериш нуқтаи назаридан давлат харажатлари ва солиқ сиёсати жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланиши аниқланган.

“Яшил бюджетлаштириш” атамаси биринчи марта 1987 йилда Брундтланд (Brundtland) комиссиясининг ҳисоботида пайдо бўлган бўлиб, унда “ҳукуматларнинг марказий иқтисодий ва тармоқ идоралари энди ўзларининг сиёсатлари, дастурлари ва бюджетлари ривожланишни қўллаб-қувватлашни таъминлаш учун тўғридан-тўғри ва тўлиқ жавобгар бўлиши керак” деган тавсияномада пайдо бўлган. Бу экологик ва иқтисодий жиҳатдан барқарорликни англатарди. Ушбу ҳисоботдан кейин, 1989 йилда давлат бюджетининг экологик профилини жорий этган Норвегия ва Франция каби мамлакатларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини давлат молиявий бошқарувига экспериментал интеграция қилиш бўлиб ўтди. Италия ҳам бу соҳада этакчи эди, 1999 йилда Италия парламенти миллий ҳукуматга бюджет лойиҳаси билан бир қаторда “Экологик бюджет” (ecoBilancio) ишлаб чиқариш учун йиллик бюджетда атроф-муҳит билан боғлиқ барча ресурсларни ажратишни кўрсатиб берди. Амалиёт 2022 йилда чиқарилган сўнгги “экологик бюджет” билан давом этмоқда.

Мавзуга оид мавжуд муаммолар. Ўзбекистонда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётнинг барча тармоқларида яшил иқтисодиёт механизмларини изчиллик билан жорий этиш, иқлим ўзгаришига мослашиш ва табиий офатлар хавфини бошқариш масалаларини миллий сиёсатга, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни режалаштиришга ва бюджет жараёнларига киритиш — иқлим ўзгаришига мослашиш, унинг оқибатларини юмшатиш ва табиий офатлар хавфини камайтиришни режалаштириш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ҳамда баҳолашда жамоатчиликнинг фаол иштирокига асосланган ёндашувни йўлга қўйиш эканлиги яшил бюджетлаштиришнинг қанчалик долзарблигини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги ПҚ-436-сон «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чоратadbирлар тўғрисида»ги Қарори ва кўплаб бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар яшил иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган.

Яшил бюджетлаштиришнинг афзалликлари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, барқарор ривожланиш - яшил бюджетлаштириш ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан унумлироқ фойдаланишга имкон беради. Бу ташкилий ишлар нафақат қисқа муддатли истиқболга эга, балки узоқ муддатли истиқболларга эришиш учун ҳам муҳим саналади. Яшил бухгалтерия ҳисобига эга бўлишнинг асосий ғояси экологик мақсадларга эришилган ҳолда, иқтисодий ўсишнинг афзалликларини тушунишга ёрдам беришдир.

Иккинчидан, молиявий тақчилликни камайтириш - атроф-муҳит ва иқлим маълумотларини давлат молиясини бошқариш билан интеграциялаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ортиқча углерод учун солиқлар ва жарималар кўпроқ давлат ресурсларини тежайди ва даромадларини оширади. Бу саъй-ҳаракатлар давлат сиёсатини яхшилашга ва давлат ресурсларидан оқилона фойдаланишга ёрдам беради.

Учинчидан, кучли экологик сиёсат - бу муҳим сиёсий масалаларини таҳлил қилиш учун мавжуд бўлган тегишли маълумотдорликни оширади, яхлит ва интеграциялашган маълумотларга асосланган кучли экологик сиёсатга олиб келади.

Тўртинчидан, тадқиқот ва изланишлардаги ўсиш - яшил бухгалтерия ҳисоби/бюджети бизнес учун барқарор келажакни тарғиб қилишга ёрдам беради, чунки у яшил тадқиқот ва ишланмалар ва яшил давлат харидлари ҳақида батафсил маълумотлар беради.

Бешинчидан, интеграциялашган бюджет – яшил бюджетлаштириш барқарор ривожланишнинг кўплаб йўналишларини (экологик мувозанат, ижтимоий тараққиёт ва иқтисодий ўсиш) тўлиқ ягона сиёсатда, яъни бюджет ҳужжатида бирлаштиришни ўз ичига олади. Ҳукумат томонидан углерод эмиссиясини камайтиришга қаратилган мақсадларга катта аҳамият берилади.

Яшил бюджетлаштириш иқтисодий, ижтимоий, тармоқ ва экологик сиёсатнинг уйғунлигини таъминлайди, шунингдек, молиявий чора-тадбирлар ва бюджетни ўз ичига олган воситаларни режалаштиради. Яшил бюджетлаштиришда яшил устуворликларни аниқлаш ва стратегик режаларга киритишдан сўнг, молиялаштиришдаги бўшлиқни баҳолаш ва яшил молиялаштириш стратегиясини тайёрлаш жуда муҳим ҳисобланади. Яшил бюджетлаштиришдан кўзланган мақсадларга эришиш учун молиялаштириш манбалари стратегик режаларда ўз тасдиғини топган бўлиши мақсадга мувофиқ. «Яшил» мақсадларга эришишдаги асосий молиявий манбалар анъанавий кредитлар, грантлар, ташқи қарзлар, миллий ва халқаро иқлим фондлари, углерод бозорлари, яшил облигациялар ва суғурта воситаларини ўз ичига олган барча молия манбаларидан тизимли равишда фойдаланишни талаб қилади.

Яшил бюджетлаштириш бўйича дунё мамлакатлари фаол молиявий сиёсатни амалга оширмоқдалар. 2022 йил ҳолатига кўра, ИХТТ мамлакатлари орасида 19 та суверен давлат бюджетларида яшил лойиҳаларни молиялаштириш учун яшил облигациялар чиқарган, бу 130 млрд. доллардан

ошади, аммо суверен яшил облигациялар ҳали ҳам барча давлат қимматли қоғозларининг атига 0,2 фоизини ташкил қилади.

Муаммони ҳал қилиш усуллари. Иқлим ўзгаришига қарши курашиш ва атроф-муҳит мақсадларига эришиш учун ажратиладиган давлат инвестициялари янада инклюзив, яшил ва барқарор иқтисодиётга ўтиш учун калит ҳисобланади. Давлат инвестицияларини бошқариш циклининг ҳар бир босқичида яшил мақсадларга эришишга ёрдам берадиган асосий давлат молиясини бошқариш амалиётлари мавжуд.

Яшил бюджетлаштиришга ўтиш жараёнида эътиборга олиниши керак бўлган бир қатор муҳим бўлган масалалар мавжуд. Қуйида биз уларни келтириб ўтамыз.

1. Яшил бюджетлаштиришга ўтиш даврида қайта тикланувчан энергия инфратузилмасига сармоя киритиш каби дастлабки харажатлар фискал хавфларни юзага келтириши мумкин. Баъзи ҳолларда, айрим харажатлар потенциал фойдадан устун туради, деган фикр пайдо бўлиши мумкин, бу эса молиявий қарор қабул қилувчиларнинг қаршилигига олиб келади. Бундан ташқари, бюджетни қайта тақсимлаш талаб қилиниши мумкин, бу эса бюджет барқарорлиги ва молиявий бошқарув учун муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

2. Яшил бюджетлаштиришни амалга ошириш давлат идоралари ёки ташкилотларида тегишли техник тажриба ва салоҳиятни талаб қилади. Атроф-муҳитни ҳисобга олиш, таъсирни баҳолаш методологияси ёки маълумотларни йиғиш бўйича билим ёки кўникмаларнинг етишмаслиги атроф-муҳит харажатлари ва натижаларини тўғри ўлчаш ва кузатишда қийинчиликларга олиб келиши мумкин. Атроф-муҳит масалаларини бюджетлаштириш жараёнларига самарали интеграция қилиш имкониятларининг етарли эмаслиги яшил бюджетлаштириш ташаббусларини амалга оширишга тўсқинлик қилиши мумкин.

3. Яшил бюджетлаштириш амалиёти атроф-муҳитга таъсири, харажатлари ва натижалари бўйича аниқ ва ишончли маълумотларни талаб қилади.

4. Манфаатдор томонларнинг, масалан, фуқаролик жамияти ташкилотлари, бизнес ва ҳамжамиятларнинг иштироки муваффақиятли яшил бюджетлаштириш амалиёти учун жуда муҳимдир. Бироқ, маълумотларнинг мавжудлиги ва сифати чекланган бўлиши мумкин, айниқса ривожланаётган мамлакатларда ёки атроф-муҳит маълумотларини тўплаш одатий амалиёт бўлмаган секторларда, етарли бўлмаган ва ишончсиз маълумотлар яшил бюджетлаштириш самарадорлигига путур етказиши мумкин, бу эса хато қарорлар қабул қилинишига ва нотўғри ҳисоботларга олиб келади.

5. Яшил бюджетлаштиришга ўтиш тизимлар ва ташкилий тузилмалардаги ўзгаришларни ўз ичига олади. Амалга оширишни нотўғри режалаштириш ва мувофиқлаштириш кечикишларга, самарасизликка ёки бюджет қарорларига, атроф-муҳитга оид масалаларни етарли даражадан кам интеграциялашга олиб келиши мумкин.

Таклиф ва тавсиялар. Ўзбекистонда ҳам яшил бюджетлаштиришга ҳар қандай ёндашув мамлакатнинг мавжуд давлат молиявий бошқаруви (ДМБ) тизимига асосланиши ва шу билан мавжуд бюджетлаштириш жараёнининг кучли томонлари ва чекловларига мос келиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мамлакатда самарали бюджетлаштиришнинг кучли тизими мавжуд бўлса, бу мамлакат миллий экологик ва иқлим мақсадлари билан боғлиқ самарадорлик мақсадларини бирлаштиришга олиб келади. Шу билан бир қаторда, мамлакатда бюджет харажатларни кўриб чиқиш жараёнлари яхши ташкил этилган бўлса, бу мамлакат бюджет самарадорлиги билан бир қаторда чоратадбирларнинг иқлим мақсадларига таъсирини ҳам ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мамлакат даражасида яшил бюджетлаштиришни амалга ошириш учун қуйидаги асосий элементларни ўз ичига олиш талаб қилинади:

Биринчидан, бюджет маблағлари ва давлат сектори субъектларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мақсадларини қамраб олиши лозим.

Иккинчидан, бюджет сиёсатининг экологик мақсадларга мувофиқлигини баҳолаш учун фойдаланиладиган методология халқаро стандартлар асосида бўлиши лозим.

Учинчидан, давлат назорати органлари томонидан давлатнинг ҳар бир сектори устидан назорат самарадорлиги юқори бўлиши керак.

Тўртинчидан, ушбу жараённинг шаффофлиги ва ҳисобдорлиги таъминланиши, жамоатчилик назоратини тўғри ташкил қилиш лозимдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт Стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «Яшил» иқтисодиётга ўтиш Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4477-сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги «2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-436-сонли Қарори.

4. БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича дастлабки конвенцияси доирасида қабул қилинган Париж битими. 2015 йил 12 декабрь.